

## II. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 66822,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 100,6 % ни ташкил этди.

Хисобот йилида 21971,1 млрд.сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 102,0 %ни ташкил этди. Жумладан, 7837,7 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 12577,9 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 100,8 % ва 102,1 %) ишлаб чиқарилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 100,2 % га, тоғ-кон ва очик конларни ишлаш саноати 100,6 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 107,9 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 83,4 % га ўсишини кўришимиз мумкин.

### Январь-декабр ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби (млрд. сўмда)



## Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати


Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 48744,6 млрд. сўмни ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш индекси 100,2 % ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан автотранспорт воситалар, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш 61,6 % га, асосий фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш 28,6 % га ошган бўлса, кийим ишлаб чиқариш 21,6 % га, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш 7,2 % га камайганилигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 6,9 % ни, ўрта-юқори технологияли 23,4 % ни, ўрта-қўйи технологияли 30,4 % ни, қўйи технологияли 39,3 % ни ташкил этди.

### Январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда



## **Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш**

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-декабрь ойларида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 12995,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш индекси 100,6 % ни ташкил қилди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича табиий газ ва хом нефт қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига 76,0 % га ошган, бошқа тоғ-кон саноати фаолияти эса 37,9 % га камайганини кузатиш мумкин.

### **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.**

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 4269,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 6,4 % ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 7,9 % га кўпайган.

### **Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.**

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 812,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 1,2 % ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2020 йил январь-декабрь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,6 % га камайган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини  
ишлаб чиқариш ҳажми**  
*(2020 йил январь-декабрь ойларида)*

|   | <b>млрд. сўм</b> | <i>ўчиши<br/>суръати,<br/>фоиз<br/>ҳисобида</i> |
|---|------------------|---|
| <b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари<br/>бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб<br/>чиқариш ҳажми</b>                         | <b>66822,8</b>   | <b>100,6</b>                                    |
| <b>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>   | <b>12995,6</b>   | <b>100,6</b>                                    |
| Хом нефть ва табиий газ   | 12839,4          | 176,0   |
| Бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш<br>маҳсулотлари   | 130,5            | 184,3   |
| Фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги<br>хизматлар   | 24,4             | 62,1  |
| <b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>   | <b>48744,6</b>   | <b>100,2</b>                                    |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари   | 7240,3           | 87,9  |
| Ичимликлар  | 3318,2           | 114,8   |
| Тамаки маҳсулотлари   | 197,4            | 150,8   |
| Тўқимачилик маҳсулотлари  | 3243,3           | 103,0   |
| Кийимлар  | 1017,1           | 78,4  |
| Чарм ва чармдан маҳсулотлар   | 141,1            | 57,6  |
| Ёғоч ҳамда ёғоч ва пўкақдан ясалган буюмлар<br>(мебелдан ташқари); похолча ва тўқиши учун<br>материаллардан ясалган буюмлар | 496,4            | 47,5  |
| Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари   | 1267,7           | 113,1   |
| Нашр қилиш хизматлари ва ёзилган материалларни<br>акс эттириш бўйича хизматлар  | 985,9            | 81,8  |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари   | 172,7            | 76,5  |

|   | <i>млрд. сүм</i> | <i>(давоми)<br/> ўсии<br/> суръати,<br/> фоиз<br/> ҳисобида</i> |
|---|------------------|---|
| Кимё маҳсулотлари   | 1890,1           | 113,5   |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва фармацевтика препаратлари                           | 1538,8           | 128,6   |
| Резина ва пластмасса буюмлар  | 2640,3           | 108,5   |
| Бошқа нометалл минерал буюмлар  | 2710,3           | 92,8  |
| Асосий металлар   | 4812,3           | 72,4  |
| Машина ва асбоб-ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар                               | 3515,2           | 107,3   |
| Компьютерлар, электрон ва оптик ускуналар   | 1808,2           | 161,2   |
| Электр ускуналар  | 5690,7           | 117,5   |
| Бошқа гурухларга киритилмаган машиналар ва ускуналар                                    | 2958,9           | 89,9  |
| Автотранспорт воситалари, прицеплар ва ярим прицеплар                                   | 489,5            | 161,6   |
| Бошқа транспорт воситалари ва ускуналар   | 374,6            | 73,5  |
| Мебель  | 734,1            | 103,9   |
| Бошқа маҳсулотлар   | 524,7            | 83,4  |
| Машиналар ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш бўйича хизматлар                          | 977,0            | 84,7  |
| <b>Электр, газ, буф билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>                           | <b>4269,9</b>    | <b>107,9</b>  |
| Электр энергияси, газ, буф ва кондицияланган ҳаво                                       | 4269,9           | 108,5   |
| <b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиши ва утилизация қилиш</b> | <b>812,7</b>     | <b>83,4</b>   |
| Табиий сув, сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар                   | 219,7            | 69,1  |

*(давоми)*

|   | <i>млрд. сўм</i> | <i>ўсии<br/>суръати,<br/>фоиз<br/>ҳисобида</i> |
|---|------------------|--|
| Канализация тизими  | 0,8              | 72,6   |
| Чиқиндиларни йиғиш, ишлов бериш, йўқотиш,<br>утилизация қилиш | 591,3            | 87,2   |
| Тиклаш ва чиқиндиларни йўқотиш соҳасидаги<br>бошқа хизматлар  | 1,0              | 94,7   |
| <b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>                     | <b>21971,1</b>   | <b>102,0</b>                                   |

шу жумладан:

|                            |         |       |
|----------------------------|---------|-------|
| озиқ-овқат товарлари       | 7837,7  | 100,8 |
| ноозиқ-овқат товарлари     | 12577,8 | 102,1 |
| Ароқ ва шароб маҳсулотлари | 1555,6  | 107,4 |

Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қиласи. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини қўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 37063,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,6 % ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 19654,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 29,4 % ни ташкил этди, нодавлат секторида 47168,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 70,6 % ни ташкил этди.

**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ва нодавлат секторларида  
2020 йил январь-декабрь ойларида (фоиз ҳисобида)**




Саноат соҳасида модернизациялаш қўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармок корхоналари томонидан 2020 йил январь-декабрь ойларида 37063,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қўйидагича тавсифланади.


Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти саноат ишлаб чиқариш индекси 100,6 % ни, қайта ишлаш саноати 100,2 % ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 107,9 % ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йигиш ва қайта фойдаланиш билан бўйича хизматлар 83,4 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бүйича саноат маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)**

**2019 йил январь-декабрь**



**2020 йил январь-декабрь**



  Ишлаб чиқарадиган саноат

  Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

  Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилиш

  Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлеш

**Иқтисодий фаолият турлари бүйича саноат  
маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш ҳажми  
(йирик корхоналар бүйича)**

|  | Ўлчов<br>бирлиги | 2020 йил<br>январь-<br>декабрь | 2019 йил<br>январь-декабрга<br>нисбатан % да |
|--|------------------|--------------------------------|--|
|--|------------------|--------------------------------|--|

**Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлеш**

|                 |                   |          |        |
|-----------------|-------------------|----------|--------|
| Нефть           | <i>Минг тн</i>    | 629,8    | 4,8 м. |
| Газ конденсанти | <i>Минг Тн</i>    | 754,8    | 93,4   |
| Табиий газ      | <i>Млн. куб.м</i> | 35399,0  | 99,4   |
| Чақиқ тош       | <i>Тонна</i>      | 398973,6 | 75,2   |
| Шағал           | <i>Тонна</i>      | 34344,0  | 23,0   |

(давоми)

|  | <b>Үлчөв<br/>бирлиги</b> | <b>2020 йил<br/>январь-<br/>декабрь</b> | <b>2019 йил<br/>январь-декабрга<br/>нисбатан % да</b> |
|--|--------------------------|---|---|
|--|--------------------------|---|---|

### Қайта ишлаш саноати

|   |                                    |         |           |
|---|------------------------------------|---------|-----------|
| Ош тузи   | <i>Тонна</i>                       | 38,5    | 14,3      |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни   | <i>Тонна</i>                       | 120010  | 73,4      |
| Ўсимлик ёғи ёки мойининг<br>кунжараси   | <i>Тонна</i>                       | 6070    | 58,4      |
| Күюлтирилмаган ва шакар<br>қўшилмаган, ёғлилиги 6%дан юқори<br>сут ва қаймоқ                                    | <i>Тонна</i>                       | 313,3   | 82,5      |
| Тозаланган ўсимлик ёглари   | <i>Тонна</i>                       | 1249    | 38,6      |
| Маргарин ва спредлар (пастасимон<br>маҳсулот)   | <i>Тонна</i>                       | 4943    | 51,7      |
| Ароқ  | <i>минг л<br/>100%ли<br/>спирт</i> | 24814   | 129,5     |
| Конъяк спирти (конъяк дистилляти)   | <i>минг л<br/>100%ли<br/>спирт</i> | 3358,5  | 3,5 марта |
| Узум виноси ёки узум турпини<br>дистиллаш натижасида олинган<br>спирт настойкалари, конъяк<br>спиртидан ташқари | <i>минг л<br/>100%ли<br/>спирт</i> | 717,4   | 114,8     |
| Вино  | <i>минг л</i>                      | 9728,2  | 125,0     |
| Пива  | <i>минг л</i>                      | 55834,6 | 106,3     |
| Тамаки маҳсулотлари   | <i>млн дона</i>                    | 1395    | 124,8     |
| Пахтадан йигирилган ип  | <i>Тонна</i>                       | 21810,9 | 75,0      |
| Ип газлама  | <i>минг м2</i>                     | 1505,8  | 6,2 марта |
| Машинада ёки қўлда тўқилган<br>трикотаж полотнолар  | <i>Тонна</i>                       | 14469,2 | 70,5      |

(давоми)

|  | <b>Үлчөв<br/>бирлиги</b> | <b>2020 йил<br/>январь-<br/>декабрь</b> | <b>2019 йил<br/>январь-декабрга<br/>нисбатан % да</b> |
|--|--------------------------|---|---|
| Трикотаж ёки түқилган устки<br>күйимлар  | <i>Минг дона</i>         | 761                                     | 59,2  |
| Ичдан кийиладиган күйимлар   | <i>Минг дона</i>         | 92                                      | 34,1  |
| Ярим целлюлозадан тайёрланган<br>гофрировка қилиш учун қофоз<br>(үртача тарамланган)   | <i>Тонна</i>             | 1757                                    | 77,9  |
| Туалет қофози  | <i>Тонна</i>             | 1200                                    | 100,0   |
| Дафтарлар  | <i>Тонна</i>             | 496,5                                   | 108,0   |
| Күтилар, картондан яшиклар<br>гофравий қофоз ёки картонлар   | <i>Тонна</i>             | 25725,8                                 | 143,1   |
| Босиб чиқарылган почта ва гербли<br>маркалари, титул хужжатлари,<br>микропроцессор карточкалари,<br>чеклар ва бошқа қимматли қофозлар<br>ва шу кабиларни босиб чиқариш<br>бўйича хизматлар | <i>минг сўм</i>          | 222623542,9                             | 90,8  |
| Газеталарни босиб чиқариш бўйича<br>хизматлар  | <i>минг сўм</i>          | 31115393                                | 110,4   |
| Савдо-реклама каталоглари,<br>проспектлар, плакатлар ва бошқа<br>босма реклама маҳсулотларини<br>босиб чиқариш бўйича хизматлар  | <i>минг сўм</i>          | 102,0                                   | 398,0   |
| Ҳафтада тўрт мартадан кам<br>чиқадиган журналлар ва даврий<br>нашрларни босиб чиқариш бўйича<br>хизматлар  | <i>минг сўм</i>          | 12998,9                                 | 93,9  |
| Суюлтирилган пропан ва бутан   | <i>минг т</i>            | 2619,4                                  | 64,3  |
| Техник олтингугурт   | <i>Тонна</i>             | 283498,3                                | 87,5  |
| Мураккаб органик эритувчилар ва<br>суюлтиргичлар; бўёқ ва лакларни<br>ўчириш учун тайёр таркиблар  | <i>Тонна</i>             | 187314,2                                | 169,9   |
| Акрил ва винил полимерлари<br>асосидаги бўёқлар ва лаклар, сув<br>мухитида   | <i>Тонна</i>             | 13320,0                                 |   |

*(давоми)*

|  | <i>Үлчөв<br/>бүрлиги</i> | <i>2020 йил<br/>январь-<br/>декабрь</i> | <i>2019 йил<br/>январь-декабрга<br/>нисбатан % да</i> |
|--|--------------------------|---|---|
| Бошқа гурухларга киритилмаган сувсиз муҳитдаги бошқа синтетик полимерлар асосидаги бўёклар ва лаклар   | Тонна                    | 15567,2                                 |   |
| Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти  | минг л                   | 774,2                                   | 219,5   |
| Провитаминалар, витаминалар ва уларнинг ҳосилалари   | Тонна                    | 3846,7                                  | 112,2   |
| Чакана савдо учун қадоқланмаган, таркибида пенициллин ёки унинг ҳосилалари бўлган, пенициллан кислотаси тузилмасига эга ёки таркибида стрептомицин ёки унинг ҳосилалари бўлган, терапевтик ёки профилактика мақсадларида ишлатиладиган медикаментлар | Тонна                    | 0,6                                     | 78,1  |
| Таркибида гормонлар бўлгмаган, лекин антибиотиклар бўлмаган медикаментлар  | Тонна                    | 2,3                                     | 100,1   |
| Чакана савдо учун қадоқланмаган, таркибида бошқа антибиотиклар бўлган медикаментлар  | Тонна                    | 100,7                                   | 236,9   |
| Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар  | Тонна                    | 387042,9                                | 75,8  |
| Цемент, бетон ёки сунъий тошдан курилиш учун фишт ва блоклар   | Тонна                    | 41909,5                                 |   |
| Бутилкалар   | минг дона                | 341118,4                                | 145,7   |
| Темирдан ёки легирланмаган пўлатдан болғаланган, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, кейин бошқа ишлов берилмаган бошқа чивиқлар ва стерженлар, жумладан прокаткадан кейин калаваларга ўралган чивиқлар           | Тонна                    | 86770                                   | 2,1 м.  |

| Пўлатдан чоксиз нефт ва газ қувурлари  | <i>Тонна</i>         | 89203                          | 135,2   |
|--|----------------------|--------------------------------|---|
|  | <i>Ўлчов бирлиги</i> | <i>2020 йил январь-декабрь</i> | <i>2019 йил январь-декабрга нисбатан % да</i> |
| Мис сим  | <i>Тонна</i>         | 23994,9                        | 101,6   |
| Қора металлардан, электр изоляциясиз ўралган сим, пўлат арқонлар, арқонлар, тўқилган шнурлар ва шу каби буюмлар  | <i>Тонна</i>         | 919,4                          | 172,8   |
| Темир, пўлат ёки мис симдан матолар, панжаралар, тўрлар ва тўсиқлар; қора металлар ёки мисдан чўзиб ишланган листлар   | <i>Тонна</i>         | 5010,8                         | 95,3  |
| Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ёки ўрмон хўжалигига ишлатиш учун дастаки асбоблар  | <i>Тонна</i>         | 0,7                            | 77,9  |
| Буғ қозонлари ёки бошқа буғ генератор қозонлар; буғ қиздиргичли сув қозонлари  | <i>Тонна</i>         | 2,7                            | 100   |
| 1 кВ дан ортиқ қучланиш учун автоматик ўчирувчилар   | <i>Тонна</i>         | 113,6                          | 134,4   |
| Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлмаган электр занжирини ўчириш, алмашлаб улаш ёки ҳимоялаш учун аппаратура билан жиҳозланган тақсимлаш шчитлари ва бошқа панеллар | <i>Тонна</i>         | 145,2                          | 85  |
| Чулғамли изоляцияланган симлар   | <i>Тонна</i>         | 1840,1                         | 15,9  |
| Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлмаган (паст вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари   | <i>Тонна</i>         | 2472                           | 95,6  |
| Совуткичлар ва музлаткичлар; кир ювиш машиналари; электр кўрпалар; вентиляторлар   | <i>дона</i>          | 400765                         | 91,7  |
| Тракторлар   | <i>дона</i>          | 673                            | 33,5  |
| Тупроқни тайёrlаш ёки культивация қилиш учун ишлатиладиган машиналарнинг қисмлари  | <i>Тонна</i>         | 15                             | 30,0 м.                                       |
| Суюқликларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш учун марказдан қочирма чўктирма насослар   | <i>дона</i>          | 118                            | 15,9  |

|           | <i>Үлчөв<br/>бирлиги</i> | <i>2020 йил<br/>январь-<br/>декабрь</i> | <i>2019 йил<br/>январь-декабрга<br/>нисбатан % да</i> |
|-----------|--------------------------|---|---|
| Сиялкалар | <i>дона</i>              | 168                                     | 35,2  |

**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш**

|  |                         |           |        |
|--|-------------------------|-----------|--------|
| Электроэнергия                             | <i>Млн.кВт<br/>соат</i> | 331,8     | 175,9  |
| Иссиқлик энергияси                         | <i>Минг Гкал</i>        | 13494,2   | 104,6  |
| Электр энергиясини узатиш бўйича хизматлар | <i>Минг сўм</i>         | 1066355,0 | 2,3 м. |


**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш**

|  |                 |             |       |
|--|-----------------|-------------|-------|
| Табиий сув, сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар  | <i>Минг сўм</i> | 149959992,0 | 80,3  |
| Оқова сувларни йўқотиши, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар                                   | <i>Минг сўм</i> | 67777328,0  | 72,6  |
| Хавфсиз чиқиндиларни йиғиши хизмати  | <i>Минг сўм</i> | 98707515,0  | 101,5 |
| Зараарсиз метал чиқиндилари  | <i>Тонна</i>    | 7339,0      | 66,5  |
| Бошқа гурӯхларга киритилмаган, қайта фойдаланишга яроқли йиғилган бошқа хавфсиз чиқиндилар                       | <i>Тонна</i>    | 850,6       | 96,5  |
| Юк ортиш станцияларининг қайта фойдаланишга яроқсиз хавфсиз чиқиндилар билан боғлиқ хизматлари                   | <i>Минг сўм</i> | 4119420,0   | 86,4  |
| Хавфли (захарли) кимёвий чиқиндилар  | <i>Тонна</i>    | 440,2       | 106,3 |
| Бирламчи элементларнинг, бирламчи элементлар батареяларининг, электр аккумуляторларнинг чиқиндилари ва парчалари | <i>Тонна</i>    | 24,0        | 18,9  |
| Пахта толасига ишлов бериш бўйича хизматлар  | <i>Минг сўм</i> | 6613421,0   | 106,7 |

## Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 27,4 % улушкини), Сергели тумани (9,5 %), Миробод тумани (8,9 %), Мирзо Улуғбек тумани (8,2 %), Учтепа тумна (7,4 %), Юнусобод (6,8 %), ҳиссасига тўғри келади. Шунинг билан бирга, энг кам улуш Яккасарой (6,4%), Чилонзор (6,3 %), Шайхонтохур (5,8 %) туманларига тўғри келади.

### Худудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси, фоизда (2020 йил январь-декабрь ойларида)



Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни қўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ва туманларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини туманларапо ҳамда туманларни шаҳар қўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, ҳудудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 66822,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,6 % ни ташкил этди.


Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 25461,8 минг сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 122,6 % га

етказилганлигини кузатишими мумкин. Шунингдек, Тошкент шаҳрида истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 21971,3 млрд. сўмни ташкил этиб, Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон бошига 8371,7 минг сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 102,0 % га етказилганлигини кузатишими мумкин.

### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш**


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (2,0 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 32,9 % ни ташкил этди.

#### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда (2020 йил январь-декабрь ойларида)**




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 7837,7 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 35,7 %, ноозик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 12577,8 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 57,2 %, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1555,6 млрд. сўм ҳисобланиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 7,1 % ни ташкил этди.


**Худудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш  
ҳажмидағи улуши, фоизда  
(2020 йил январь-декабрь ойларида)**



**Худудларда саноат махсулотлари ишлаб чиқариш индекси, фоизда  
(2020 йил январь-декабрь ойларида, ўтган йилнинг тегишили даврига нисбатан)**



**Худудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг  
ўсиш суръатлари, фоизда (2020 йил январь-декабрь ойларида,  
ўтган йилнинг тегишили даврига нисбатан)**



Бунда, Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришнинг энг катта ўсиш суръатлари Миробод тумани (115,4 %), Учтепа тумани (109,9 %), Чилонзор тумани (107,3 %), Бектемир тумани (105,0 %) ва Юнусобод туманларида (103,1%) кузатилмоқда. Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг кичик ўсиш суръатлари Шайхонтохур туманларида (91,8 %) Олмазор тумани (91,2 %) ва Яккасарой туманларида (88,9 %) кузатилган.

**Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси**

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш таъминланди. Дастребки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 38,7 % ни ташкил этган.

**Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб  
чиқаришдаги улуши, фоизда (январь-декабрь)**

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Чилонзор тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 75,4 %), Олмазор (72,8 %), Сергели (63,5 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичик улуши Шайхонтохур (18,9 %), Янгибод (20,8 %) ва Миробод (23,8 %) туманларида кузатилди.

**2020 йил январь-декабрь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг  
жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда**



**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар  
маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши**

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 22287,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 51,6 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 33,4 % ни ташкил килди.

Қўшма корхоналар томонидан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг Республика саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 6,1 % ни ташкил этди, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг  
саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда  
2020 йил январь-декабрь ойларида**




## **Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари**

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 16 мингга яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 2160 та корхона жами фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг (13,6 %) Олмазор туманига, 1966 та корхона (12,4 %) Чилонзор туманига, 1905 та корхона (12,0 %) Учтепа туманлари ҳиссасига тўғри келади.

### **Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик**

*(2021 йил 1 январь ҳолатига)*



### **Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик**

*(2020 йил январь-декабрь ойларида)*




2020 йил январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида 1939 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийб 12,2 % Олмазор, 12,2 % Чилонзор, 10,6 % Мирзо Улугбек туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни  
маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари**  
(2020 йил январь-декабрь ойларида)

|                | <i>Лойиҳалар сони, бирликда</i> | <i>Ишлаб чиқариш ҳажми, млн. сўм</i> | <i>Экспортга сотилган маҳсулот ҳажми, минг АҚШ доллари</i> | <i>Янги ташкил қилинган иш ўринлари сони, бирликда</i> |
|----------------|---------------------------------|--------------------------------------|--|--|
| <b>Жами:</b>   | <b>280</b>                      | <b>5171,5</b>                        | <b>79,6</b>  | <b>1636</b>  |
| <i>шундан;</i> |                                 |                                      |  |  |
| Бектемир       | 24                              | 149,5                                | 1,9  | 12   |
| Мирзо Улугбек  | 64                              | 1091,9                               | 2,9  | 23   |
| Миробод        | 22                              | 647,1                                | 1,5  | 21   |
| Олмазор        | 31                              | 159,0                                | 1,7  | 31   |
| Сергели        | 39                              | 212,4                                | 4,5  | 81   |
| Учтепа         | 18                              | 434,2                                | 2,5  | 36   |
| Чилонзор       | 20                              | 656,8                                | 22,1   | 75   |
| Шайхонтоҳур    | 6                               | 178,3                                | 13,7   | 1  |
| Юнусобод       | 8                               | 40,0                                 | -  | 6  |
| Яккасарой      | 30                              | 51,2                                 | -  | 10   |
| Яшнобод        | 18                              | 1551,3                               | 28,7   | 1340   |

## **Маҳаллийлаштириш дастурининг жами ишлаб чиқариш ҳажмида туманларнинг улуши, фоизда 2020 йил январь-декабрь ойларида**



### **Статистик кўрсаткичларга тушунтириш**

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми** – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, ўзининг носаноат бўлинмаларига ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади; ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида туталланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тузидағи ишлар (хизматлар);

**Саноат ишлаб чиқаришда ўзгариш индекслари** – солиширима даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичdir; Истеъмол моллари – асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқиласdi;

**Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариш ҳажми** – бошқа корхоналарга жўнатиши учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот;

**Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гурухлаш** Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

**Маҳаллийлаштириш даражаси** – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушкини белгилайди; Маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди; маҳсулот сотиш ҳажми – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва акциялар бундан мустасно);

**Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.